

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 7-oktyabr • №41 (4128)

## МАМЛАКАТИМИЗ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Шу йил 4 октябрь куни Ўзбекистон Фанлар академиясида "Президент Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби ва мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция ишида ижтимоий-гуманитар фанлар, таълим ва тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган таниқли олимлар, педагоглар, маданият, адабиёт ва санъат намояндalарининг, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг зйбллар жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида маъзур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, халқимиз ўртасида ва халқро маданий доираларда бу асар катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилаётгани таъкидланди. Эл-юртимизнинг ана шу тарихан қисқа даврда босиб ўтган гоят мураккаб, айна вақтда шарафли тараққиёт йўли, бу йўлда кўлга киритилган, бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган ютук ва марраларимизга қандай асосда, қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини аниқлаш, уларнинг барчасини яхлит ҳолда, ички диалектик қонуничилик, бор зийдат ва қарама-қаршиликлар билан тушуниб етишда бу китоб ишончли манба ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши аниқ мисоллар, назарий ва амалий ҳулосалар асосида кўрсатиб ўтилди.

дан чиқиб йўлидаги изчил ҳаракатлар, юртимизда сиёсий-ижтимоий ислохотлар назариясининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, мустақилликка эришишнинг сиёсий-ҳуқуқий заминининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши, иқтисодий-ижтимоий ислохотлардан сиёсий мустақиллик сари ташланган дадил қадамлар, тарихда шахсининг ўрни ва маънавий жасорат феномени, янги авлод кадрларини тайёрлаш концепциясига асос солиниши, миллий ўзлигини аниқлаш, маънавий тикланиш жараёнларининг назарий ва амалий пойдевори, китобни таълим тизимида ўрганишнинг долзарб масалалари ҳамда унинг ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган маърузалар ҳам конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобининг энг муҳим икки жиҳати алоҳида эътибор қаратилди. Биринчидан, бу китоб истиқлол тарихимизнинг шу вақтга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида очиб беради ва шу тариқа ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни усталик билан ишлаб, бу бўшлиқни ғаразли мақсадларда тўлдиршига, шу масалада кимларнингдир режа ва бюртмаларини бажаришига, биз бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга ҳеч қандай имкон қолдирмайди.

Маълумки, ўша йиллардаги воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга гувоҳ бўлган одамларнинг сафи бугунги кунда тобора камайиб бормоқда, унинг ўсиб келаётган ёш авлод эса бу тарихдан етарли даражада хабардор эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, китобнинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, у ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ноёб маълумот ва манбаларни тиклаб, истиқлол тарихимизни сохталаштиришга йўл қўймасдан, уни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни чуқур ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратлади.

Конференция ишида "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини чуқур илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасидаги илмий мезон ва ёндашувларни қайта қўриб чиқиш, ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантириш, асарининг тўб моҳиятини кенг жамоатчиларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш масаласи конференция дастурининг асосий мавзусларидан бири бўлди.

Ўзбекистоннинг истиқлол арафасидаги чуқур инқироз ҳолати ва бу инқироз-

дан чиқиб йўлидаги изчил ҳаракатлар, юртимизда сиёсий-ижтимоий ислохотлар назариясининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, мустақилликка эришишнинг сиёсий-ҳуқуқий заминининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши, иқтисодий-ижтимоий ислохотлардан сиёсий мустақиллик сари ташланган дадил қадамлар, тарихда шахсининг ўрни ва маънавий жасорат феномени, янги авлод кадрларини тайёрлаш концепциясига асос солиниши, миллий ўзлигини аниқлаш, маънавий тикланиш жараёнларининг назарий ва амалий пойдевори, китобни таълим тизимида ўрганишнинг долзарб масалалари ҳамда унинг ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган маърузалар ҳам конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобининг энг муҳим икки жиҳати алоҳида эътибор қаратилди. Биринчидан, бу китоб истиқлол тарихимизнинг шу вақтга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида очиб беради ва шу тариқа ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни усталик билан ишлаб, бу бўшлиқни ғаразли мақсадларда тўлдиршига, шу масалада кимларнингдир режа ва бюртмаларини бажаришига, биз бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга ҳеч қандай имкон қолдирмайди.

Маълумки, ўша йиллардаги воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга гувоҳ бўлган одамларнинг сафи бугунги кунда тобора камайиб бормоқда, унинг ўсиб келаётган ёш авлод эса бу тарихдан етарли даражада хабардор эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, китобнинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, у ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ноёб маълумот ва манбаларни тиклаб, истиқлол тарихимизни сохталаштиришга йўл қўймасдан, уни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни чуқур ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратлади.

Конференция ишида "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини чуқур илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасидаги илмий мезон ва ёндашувларни қайта қўриб чиқиш, ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантириш, асарининг тўб моҳиятини кенг жамоатчиларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш масаласи конференция дастурининг асосий мавзусларидан бири бўлди.

Ўзбекистоннинг истиқлол арафасидаги чуқур инқироз ҳолати ва бу инқироз-



Олтин куз саховата.

«Ўза» олган сурат.

## НОДИР БОЙДИГИМИЗ, ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ

Ўзбекистон давлатининг тил сиёсати ўзига хос ижобий хусусиятлари билан ажралиб туради. Жаҳондаги кўпгина давлатларда "расмий тил" ибораси қўлланади. Лекин давлат тили мақоми расмий тил иборасидан юқори-роқ мавқега эгадир. Халқро ЮНЕСКО экспертларининг таърифи: "Давлат тили маълум давлатнинг сиёсий-ижтимоий ва маданий доирасида интеграцион функцияни бажарувчи ва шу давлатнинг рамзий белгиси ҳисобланувчи тилдир". Бинобарин, давлат тили қўлланиш доирасига кўра юқори-роқ мақомга эга. Чунки давлат тили давлат бошқаруви, иқтисод, савдо ва умуман, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда кенг қўлланивчи тилдир.

Давлат тили ўз номи билан давлатнинг рамзий белгиси бўлиб, у шу давлатнинг герби, мадҳияси ва байроғи каби муқаддасдир. Ўзбек тили ҳам миллий, ҳам давлат тили сифатида ана шундай юксак мақомга эга. Истибоддод замонида кўп қийинчиликларга дуч келган, ўзининг миллий ва расмий мавқеидан маҳрум бўлиб қолган она тилимиз эндиликда мустақил ривожланиш йўлидан бораёпти. Унинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилди. Давлат ва жамоат идораларида иш юритиш, ҳужжатлар тайёрлаш, ариза, тақлифларнинг қабул қилиш, турли мажлислар, илмий ва амалий анжуманлар давлат тилида олиб борилмоқда. Юртимиз ўзининг валютаси, пули, почта маркалари ва лотереясини ўзбек тилида чоп этмоқда. Сотишга чиқарилаётган буюмларнинг номи ҳам ўзбек тилида ёзилмоқда. Юртимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари тиллари камситилмай, уларни ҳам ўз ўрнида қўллаш мумкинлиги Давлат тили ҳақидаги қонунимизда кўрсатиб қўйилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида она тилимизнинг тақдири, қарийб бир асрлик қарамликдан сўнг, ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлгани, уни мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторида турадиган муқаддас тимсоллардан бирига айлангани, ўзбек тилининг истиқлоли билан боғлиқ муаммолар илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиши зарурлиги, давлат тилининг халқро миқёсда фол мулоқот воситасига айланиб бораётгани, хорийқил мамлакатлар раҳбарлари билан бўлаётган учрашув ва суҳбатлар, музокара-лар, тегишли ҳужжатларни имзолаш маросимлари, нуфузли саммитлар ва расмий матбуот анжуманларида ўзбек тили қўлланиётгани халқимизга гурур-ифтихор бағишлаётганини алоҳида таъкидланди.

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида» қонун қабул қилинган кун

Давоми иккинчи саҳифада.

## ПАХТА ГУЛИ

Ҳар ким севса ўз юрту ўз элини,  
Икки қилмас дили билан тилини.  
Бу дувёда хушбўй, рангдор гуллар кўп,  
Мен севаман оғул пахта гулини.

Намошомгўл кўп ботганда кулади,  
Қизгалдоқлар баҳордәк сулади.  
Қор остидан қатраб чиқар бойечак,  
Пахта гули иссиққа ўч бўлади.

Халқни меҳнат ҳар томонга йўллайди,  
Ким боғлайди, кимлар дала-чўллайди.  
Пахта ўзбек каби севар кўёшни,  
Пахта ёзинг чилласида гулдайди.

Қадри бўлак ғалла, бошоқ, донани,  
Бироқ пахта дехқон ёри, жонани.  
Сувчи тунда эгатларга сув тараб,  
Кунда санар ўзбеки шонани.

Пахта гули дехқон яктагидек оқ,  
Пахта гули пушти япроқ, қиз ёноқ.  
Пахтазорда порлагайди олузулар,  
Пахта одам панжасидек беш чаноқ.

Севсанг, пахта ҳосилини мўл беради,  
Қадоқ қўлинта момиқ қўл беради.  
Пахта хирмон юлдузларга тегали,  
Койнотга элтувчи йўл беради.

Ҳар тимсолнинг ўз мазмуни, тили бор,  
Ҳар элга хос рамзларнинг ҳар хили бор.  
Нон-насибам тўкин дастурхонимда —  
Чойнак-пшёлмада пахта гули бор.

Дувё чопон кияр ўзбек қўлидан,  
Бошда дўши, белбоғи бор белидан.  
Дейди шоир: ўзбекча сўзлар пахта,  
Ер юзини севар ўзбек тилидан.

Рустам МУСУРМОН

Шеърбай оқтоб

Эрталаб осмонни қоплаган булутлар тарқади. Кўёш чарақлаб нур соча бошлади. Автомобил ойнасидан ташқарига назар ташладим: йўл четига саф тортиган тераклар, уфққа туташган пахта далалари, замонавий ва кўркям иншоотлар, фусункор бог-роғлар вақри-диллингизни очади. Хайдовчи йигит кенг майдонни қоплаган ёш ниҳолларга тикилганимни сезган экан, шекилли, гап бошлаб қолди:

— Бог дегани мана бунақа бўлибди-да, тўғрими, ака! Сал аввалроқ айтганимизда ёнида тўхтаб ўтардик. Машинадан тушиб, томоша қилардингиз. Мен бу олмазор боғни яратганларнинг кўп суҳбатини олганман. Янги нав дейишади, икки йилда ҳосилга кираркан. Икки йил нима, ўтади-ке-тади. Ушанда кўрасиз, ўзимиз боғ-мисан бог бўлади-да!

— Э, нимасини айтасиз, ука, — деди олдинги ўриндиқда ўтирган йўловчи, — шундай боғни парвар-ишлаганинг отасига минг раҳ-мат!

Мен яна теварак-атрофни кузатишда давом этдим. Дилга ажиб шавк бағишлайдиган куз манзараларини тасвирлаш учун одам ё шоир, ё мусаввир бўлиши керак, назаримда. Шунда ҳам барибир бу манзараларни мукамал тасвирлаш мушкул. Энг яхши иходкор — бу она табиатнинг ўзи. Анҳору ариқларда оқаётган обиҳаёт тиникла-шиб, кунлар қисқара бошлаган кезлар жаннатоманд ўлкамиз-

да яна бир фасл — олтин куз ўз ҳусни-тароватини, замин саҳо-ватини бор бўй-басти билан кўз-кўзлашга чоғланди. Бог-роғлардан алвон тусга кириб, пахта далалари оппоқ чамозорга ай-ланди. Азми-шизоати сарба-ланд бободехқон хир-моиллари тобора юксалаётган шу кунларда эл-ниқат катта-кичиги пах-такорга мадад бериш учун эгат оралайди. Ҳашарчилар кулгиси

Бизни "Абдурахмон орзуси" фер-мер ҳўжалиги раҳбари Абдуҳа-ким Абдуллаев қарши олди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Бу йигитни на-фақат туманда, бутун Тошкент вилоятида яхши танишаркан. Мен уни ер билан тиллашади,

Ватан учун яшадилки!

ҳисоб-китобга пухта, янгиликка интилуванч, гайрат-шижоатли, деб эшитгандим. Қарангки, Абдуҳажим ях-шигина суҳбатдош ҳам экан. Икки ўғли Ик-ти-содиёт унверситетига, қизи Маийши касб-

хўнар коллежиде таҳсил олаётган-инини ўзига бир фахр билан га-пирди. Ёшларимизни ҳар томон-лама — ҳам жисмоний, ҳам маъ-навий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш давлат сиёсати дара-жасига кўтарилганини ҳар икки-миз ҳис этиб турардик. — Отам бир умр ер эгаси бўлиш умидида яшади. Кенг да-лада дехқончилик билан шугулла-нишини, шу билан бир қаторда қорвачиликни равнақ топтириш-ни жуда истар эди. Мен ўз ол-димга падали бузрукворим орзу-сини рўёбга чиқаришни мақсад қилиб қўйдим. Фермер ҳўжалиги-ни тузиш учун "Абдурахмон ота орзуси", деб ҳужжат топширган-дим. Билмайдим, кейин нима са-бабдандир битта сўзини тушириб қолдиришибди. Маъли, гап бунда эмас...

Давоми иккинчи саҳифада.

## ДАДА БЕГИ


кўнгилга яқин, қулоққа ёқимли эшитилди.

Мезоннинг олтинга тенг лаҳза-лари, бутун бир йилга татиғулик кунлар. Фалвир сувдан кўтарила-диган палла. Хирмони пахтага, омбори турфа чамозорларга тўлган дехқону фермерларнинг юзидан нур ёғилади. Аммо эл ризқ-рўзини яратиш осон эмас. Бу ишга бел боғлаганлардан кат-та меҳнат, сабр-тоқат, матонат талаб этилади. Айниқса, қўқлам серёгин келса, чигит тақрор-тақ-рор экилади. Тақрибли дехқон бундан чўчимади. Уруғни бир текис ундириб, парваришини ма-шҳорат билан олиб боради. Вақти-да сугоради, озиқ беради, зарар-қундалар йўлини тўсади, чил-пиш, барг тўқиб жараёнларини кечиктирмайди. Шундагина қўзланган натижага эришилади — мўл ҳосил олинади. ...Ниҳоят Бўкага етиб келдик.

Давоми иккинчи саҳифада.

Машҳурбек РАИМЖОНОВ:

## МАШХУРЛИККА ИНТИМАЙМАН



Ниҳоят оловчи сўз

Инсон қалби доимо куй-қўшиқ ва рақсга ошно. Байраму тантаналаримизни лапар, айтишувларсиз тасаввур қила олмаймиз. Асрлардан ўтиб келаётган мумтоз куйларимиз бетақрор жозибаси билан дилимизга завқ беради. Ана шу куй-қўшиқларимизга ишланган рақслар эса ўзининг гўзаллиги, жозибаси, ла-тофати билан кишини хайратга солади.

Ривоятларда келтирилишича, рақс энг аввало Шарқда — икки дарё оралиги-да пайдо бўлган. Ҳатто одам танасига рух мусика ёрдамида киритилган, дей-ишади. Майин куй таъсирида жонсиз тана руҳ билан қовушган. Оҳангта мос тарзда аввал бармоқлар, сўнгра билак, кей-ин елка ҳаракатга келган.

Мутахассислар фикрига кўра, қадимги шарқ халқлари яратган мусика оҳанги ин-сон қалби ритми билан мос тушиб, унга тез ва узоқ таъсир эта оларкан. Шунингдек, қадимги шарқона оҳангларда инсониятнинг орзу-умидлари, интилишлари жамлангани ҳам рост.

Одатда, қўшиқнинг ўз мазмуни ва ана шу мазмунга мос рақс бўлади. Баъзи бир қўшиқ-лар учун эса алоҳида рақс усуллари яратил-ган. Бунга танго ва араб рақсларини мисол

келтириш мумкин. Аммо кейинги байтларда рақсининг вазифаси ҳам бироз ўзгариб кетаётгандек... Ай-ниқса, клипларда... Хусусий телека-налларимиз томонидан эфирга узатилаётган клиплар ичида баъзан зўрма-зўраки, фарб оҳан-ларига тақлидан яратилган рақслар кўпайиб бораётгани кишини хавотирга солади.

Масалан, Жасур Умиров ("Дарёлар",

"Ойша"), Давронбек Зайнутдинов ("Сев-мани"), Шерзодбек ("Тилла узук"), Жалил Мавлонов ("Эсингдаму") қўшиқларига ишлан-ган клип рақсларда йигит-қизларнинг санъ-ат талабларига жавоб бермайдиган ҳаракат-лари қўшиқ сифатида пўтур етказмоқда.

Баъзи қўшиқларнинг умри капалак умри-дек қисқа. Хонанда Камроннинг "Рақсга туш" номли қўшиғи мазмуни, айтилиш усули, хо-нанданинг ўзини тутishi энсани қотиради. Қаниза тахаллусли қизнинг қўшиқлари ҳам аксар миллий менталитетимизга тўри кел-майди. Бу ҳам етмагандек, тақрибли хо-

Курунчак газетхондан мактуб

нанда Мавлуда Асалхўжаеванинг "Атиргул" қўшиғига ишланган клипдаги рақсга қиз-ларнинг беўшхов ҳаракатларини қўриб, бо-лалигимда бувим айтиб берган эртақларда-ги "ажина", "алвасти"лар ёдимга тушади. Қизик, танада шалвираб турган ли-бос, антика соч турмаги, қўзлорни мушқсимон бўяш ҳам "мода" микин?

Юртимизда ташриф буюрган хо-рижлик меҳмонлар азал-азалдан бизнинг миллий оҳангларимизни тинглаб, гўзал рақсларимиздан хайратланиб келиш-ган. Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева яратган бетақрор рақслар ҳамон жаҳон ахли-ни лол қолдирапти. Ёки Назриддин Шерма-тов яратган йигитлар рақси сирлари томо-шабинни мафтун этаётгани сир эмас. Зеро, яхши мусика инсонга жон бахш этган экан, ёмон рақс маънавиятни ўлдирishi мумкин. Рақсининг ҳам ўз қонун-қоидаси, одоби бўли-шини унутмайлик.

Дилдора РИЗАЕВА

Бошланиш биринчи саҳифада.

Суҳбат асосида аниқланишича, фермер хўжалиги 2001 йилда ташкил этилган экан. Ушанда 10 гектар ер ажратилиб берилди. Абдуҳаким Абдуллаев энг шимариб ишга киришди. Натijasи эса тез орада кўзга ташланади. Яъни, ҳосилдорлиги паст, деб ҳисобланган ер фермер қўлига ўтган, галладан ҳам, пахтадан ҳам юқори ҳосил бера бошлади. А.Абдуллаев бу билан чекланиб қолмайди. 2006 йилда тугатилган ширкат хўжалигининг тендер танловларида иштирок этиб, яна қирқ гектар ер олади. Шу тариқа даромади даромад қўшилиб, даласи кенгайиб боради. Ҳозир "Абдурахмон орзуси" фермер хўжалиги 113 гектарда деҳқончилик қилмоқда. Шундан 93

улар эса ўз навбатида меҳнатларимиз натижаси — режани бажарганимиздан хурсанд бўлиб, бизни табриқлашди. Сени ўқитган, сенга таълим берган, ҳаёт йўлини кўрсатган, эл қорига ярашга ундаган устозларингдан: "Умрингдан барака топ, менинг берган сабоқларим бесамар кетмабди! Бундан кейин ҳам ғайрату шижоатингни асло сувайтирма, доим олға интил! Ҳали олинди сени улкан зафарлар кутиб турибди. Албатта, уларга эришасан. Шогирдим сифатида сента ишонаман!" деган дил сўзларини эшитиш нақадар

ватлаётганининг самараси, албатта. — Абдуҳаким меҳнатсевар ва интилувчан. Оиласи ҳам маҳалламизда энг намунали оилалардан, — дейди Жағалбайди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмон Аккулов. — Фарзандлари ҳам отасига тордим, дейман-да, зехлари ўткир. Ҳозир олий илм даргоҳларда таълим олишяпти. Ойладаги аҳиллик ва фарзанд тарбияси маҳаллаларимизда тинч-тотувликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Абдуҳаким шунча ишни дўндириб қўйса ҳам камтарлигига боради. Ма-

дий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади, — дейди Абдуҳаким Абдуллаев. — "Барака" фермер хўжалигидаги биологик лабораторияда кўсак куртига қарши габробракон, ўргимчаккана ва ширага қарши олтинқўз ҳамда трихограмма ишлаб чиқарилиб, худуд фермер хўжалиқларига етказиб берилаётган экан. Давлатимиз раҳбари фермер хўжалигининг ушбу тажрибасини оммалаштириш, биологик усулдан фойдаланиш қамровини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Уша учрашувда Юртбошимиз шундай деди: "Бу борда масаланинг барча жиҳатларини — биологик усулнинг қиммий вазирлардан афзаллиқлари, харажатларни камайтириш имконини бериши, атроф-муҳит софлигини сақлашдаги аҳамияти ҳамда иқтисодий томондан қай даражада мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиш лозим. Шу маънода, фермерларга ушбу усулнинг афзаллиқлари юзасидан кенгроқ маълумот бериш муҳим аҳамиятга эга".

Суҳбатдошимнинг айтишича, у ҳам "Барака" фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Исоевдан ўрнак олиб, ўз хўжалигида биологик лаборатория очиб ниятида. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози баъзи мамлакатларни боши берк қўчага олиб кириб қўйган бир даврда бизда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик таъминлангани, жумладан, пахтачилик ҳам жадал ривожланаётгани халқроқ миқёсда эътироф этилмоқда. Жаҳон бозорига Ўзбекистон пахта толасининг нуфузи ва рақобатбардорлиги ошиб бораётгани ҳақидаги эътирофлардан гурулланасан кимми. Бу муваффақиятлар замирида деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнати, танти элнинг ҳамжиҳатлиги, барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида амалга оширилган илчил ислохотлар самарасини кўраемиз.

Эл-юрт равнақига беқисс ҳисса қўшаётган деҳқон фермерларимизнинг меҳнати қадр топиб, интилиш ва изланишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани тобора юксалиб бораётган оппоқ пахта хирмонларида намоён бўлиб турибди. Бундан биз биринчи Бўка тумани, биринчи "Абдурахмон орзуси" фермер хўжалиги мисолида тилга оладик, холос. Республикада бундай туманлар ва фермер хўжалиқлари қанчадан-қанча! Кўкка буй чўзаётган хирмонлар юртимиз бойлиги ва фаровонлигидан нишон. Улар овоз Ўзбекистон қисқинда янги шаҳар ва қишлоқлар бўлиб қад кутарса не ажаб!

Суюндик МАМИРОВ

Сўздан сўзнинг фарқи бор...

ГАПНИНГ ДАНГАЛИ

Ҳақиқатан ҳам, биттагина сўзда кўп кечмишлар яшириниб ётади. Биз дангал сўзини бугунги кунда лўнда, бир сўзли, мард маъноларида тушунаемиз. Хўш, дангал сўзи қандай пайдо бўлган? Унинг дунёга келишига асос нима?

Қадимда бу сўзнинг асл маъноси шундай бўлган: арпа ва бугдойлар ўрилган, уларнинг даста-даста қилиб боғланган боғи дангал, дейилган. Маҳмуд Қошғарийнинг асоси бу. Қаранг-а, одам ҳам ўзини эплай олмас, бир бутун ҳолга келолмас, у ҳеч қачон дангал бўлолмайди-да. Дангал одам ибораси, асосан, одамнинг қатъиятини ва мустаҳкам сифатларини ифодалаш учун қўлланилади.

ИЧАК-ЧАВОҚ

Тилимизда ичак-чавоқ ибораси кўп ишлатилади. Бунда ичак сўзининг маъноси ҳаммага маълум. Лекин чавоқ сўзининг маъносини ҳамма ҳам билмавермайди. Қошғарий изоҳига кўра, чавоқ сўзи кичик балик, деган маънони аңлатган. Бу сўзнинг ичак сўзига қўшилиб кетишига ичак атрофидаги майда-чуйда нарсаларни ифодалаш сабаб бўлгандир. Чунки заифлик бор жойда паст, тубан, майда одамнинг чавоқ эр, деб аталганидан билса ҳам бўлади. Шунингдек, ҳозирда гўшти чавақлаш мазмунидagi чавақлаш сўзи ҳам майдалаш маъносини беради.

"ОЛЧОҚ"НИНГ ИККИ МАЪНОСИ

Алчак (олчоқ). Бугунги кунда салбий маънода ишлатиладиган бу сўзнинг ўтмишдаги туб маъноси юмшоқ табиатли, ювшо, заиф, нозик маъноларини билдирган. Балки кўрқоқлик, ожизлик, мумсиқлик каби иллатлар бу сўзнинг салбий тус олишига сабаб бўлгандир. Чунки заифлик бор жойда бу каби иллатлар ҳам бўлган. Эҳуд заиф эркакларга нисбатан олчоқ сўзини ишлатишган бўлишлари ҳам мумкин. Чунки қадимги туркийлар эркак кишининг юмшоқ табиатли, ювшо, заиф, нозик бўлишини ёқтиришмаган. Лекин тарихда бу сўзнинг ижобий маънода қўлланган ўринлари ҳам жуда кўп. Анироғи, қадимги адабиётларимизда алчаклик юксак фазилат сифатида улуғланган. Нега бундай? Нимага битта сўз икки кутбда ҳам кўриши бераяпти?

Айни шу ўринда бошқа бир тахмин исюзага қалқиб қакиди. Қадимги туркий тилда алчы деган сўз хийлақор, маккор, айёр, деган маъноларни билдирган. Эҳтимол, биз билган салбий маънодаги алчак (олчоқ) шу сўздан ҳосил бўлгандир.

РАНГИ ҚУВ ҲОДИ

Бир қарашда бу ибора бизга ҳар жиҳатдан тушунарлидай ва уни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқдай туюлади. Бироқ бу иборадagi қув сўзи қандай маънони аңглатади? Бизга қув сўзининг айёр деган маъноси маълум. Лекин қув сўзи айёр маъносига келса, мантқиққа тўғри бўлмайди.

"Турк тиллари этимологик луғати"да қув сўзи оқ-сарик деган маънони аңглатиши таъкидланган. Бошқа манбалардаги изоҳларда ҳам бу сўз шу маънога ақин шаклда шарҳланган. Қумиқлар ва кирғизлар тилида қув — оқ деган, хакаслар тилида эса рангис, деган мазмунни билдиради.

Эшқобил ШУКУР

яна қайрайлик! Ўзбекининг қоракўз болаларига бир сўз қолсин: "деб-ёзган" эди. Бу фикрда моҳитнинг янгина қараш бор, лекин етарли даражадаги тераник йўқ! Зотан, сўз санъаткори учун сўзларни қайраш билан, афсуски, иш бита қолмайди. Аввало Жаноби Фикрнинг чархлаш, сўнгра шу фикрнинг сўзда дил қарига теран кирди бора оладиган тарзда ҳаққоний ва аниқ-тиник ифодали олиш керак бўлади. Афсуски, сўз санъати тарихидаги не бир ёрқин истеъдодлар мана шу ўта нозик, инча санъат учун етарли маҳорат касб этолмай, ўз ижодий имкониятларининг мингдан бирини юзага чиқармасин, реалликка айланмайсин, кечинмаларимиз, кайфиятларимиз, туйғуларимиз, руҳий ҳолатларимиз шунангича

Фикрни "теран", "саёз" ва

ОҶОРЛИ ФИКР

бетақорор ва кўзга кўринмас хилқатки, усиз ташқи оламни идорқот этишининг мутлақо имконий йўқ! Шунинг учун ҳам санъат, хусусан, сўз санъати кўнгил иши, кўнгилли иш, кўнгил билан узвий боғлиқ иш, кўнгил "призма"-сидан ўтказилмайдиган иш деб қаралади. У кўнгилдаги турфа хил ҳиссиётлар оламига қанчалар тираниб кириб боргани сайин шунчалар реаллик, демократия, таъсирчанлик, юксаклик, умрибокйлик касб этади.

Одатда кўнгилдаги ҳиссиёт деб аталмиш реалликка муносабат деб йўсунига қараб ҳар қандай бадий фикр энг умумий уч турга мансуб этилади: теран фикр, саёз фикр, сийқа фикр. Ҳозирги сўз санъатида, табиийки, журналистика ва илм-фанда ҳам саёз фикр билан сийқа фикр аңгачина сероб! Лекин дил қарига қўқур кириб бориб, унда завқ-шавқ, иштиёқ, ҳайрат, ҳаёт-шундай, ҳар бир чинакам бадий асарнинг адабиёт тарихида бетақорор, ўзигагина тегишли ўрни, ўзигагина хос бўйи ва ифори бор! Айни шу хусусияти йўқ бадий асар, қозғандан ва ё елимдан ясалган сунъий гулларга ўхшаб, фақатгина бир муддат кўзларингизни қувнатини мумкин, бироқ бутун ҳиссиётларингизга кучли таъсир кўрсатиб, кўнглингизда завқ-шавқ, иштиёқ, ҳайрату муҳаббат каби туйғуларни йўтолмайди. Демократизми, сўз санъатида ҳамма гап ясамаликда эмас, аксинча, табиийликда, табиий бўйи ва ифорида! Бу жиҳатдан рус тилидаги "искусство" (бежирим ишланган сунъий яратик) сўзига нисбатан араб тилидаги "санъат" сўзи масаланинг моҳиятини ўзида теранроқ акс эт-



Суҳбатда: "Абдурахмон орзуси" фермер хўжалиги раҳбари Абдуҳаким Абдуллаев.

гектари суви, қолгани далмикор эди. Абдуҳаким шу даими майдонга ҳам насослар ёрдамида сув чиқариб, ер ҳосилдорлигини оширишга эришди. Хўжалик ўтган йили пахтадан 63 миллион, галладан эса 25 миллион сўм даромад олди.

— Бу йил 40 гектар майдонга галла экиб, гектардан 50,5 центнердан ҳосил олдик, — дейди хўжалик раҳбари. — Иختиёримизда қолган бугдойни ишчиларга, кам таъминланган оилаларга тарқатдик. Пахта бўйича шартнома мажбуриятини "1 октябрь — Ҳўтигувчилар ва мураббийлар кунини" удалади. Биринчи теримдаёқ режа ошириб адо этилди, 140 тонна ўрнига 142 тонна пахта тоширдик. Худлас, хўжалигимиз аъзолари учун 1 октябр санаси қўшалоқ байрамга айланди. Бизга таълим-тарбия берган устозларимизни, шу соҳада фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва мураббийларни шодисна билан муборакбод этдик,

тотли. Ўзингиз кўрдингиз, чаноқлар пахтага тўлиқ. Терим давом этаяпти. Давлатга режалан ташқари яна 30 тонна пахта тошириш ниятидамыз. Хўжалигимизда унумли меҳнат қилиш учун барча қўлайликлар яратилган. Банк билан ҳам ҳеч қандай муаммомиз йўқ. Теримчиларнинг иш ҳақи ўз вақтида етказиб берилаяпти.

Бугунги деҳқон — фермер, ер эгаси, ишбилармон, мулк соҳиби. У ерга меҳр бериб, элга ризқ-рўз яратмоқда. Даромадини дангиллама уйлар қуришга, тўйлар қилишга, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга сарфлаш билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Хўжалик ишчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш баробарида қишлоғини обод қилишга интилоқда. Эл фаровонлигини оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг фермерликни мамлакат иқтисодийнинг муҳим таянчи сифатида кўриб, бу ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қув-

ватлаётганининг самараси, албатта. — Абдуҳаким меҳнатсевар ва интилувчан. Оиласи ҳам маҳалламизда энг намунали оилалардан, — дейди Жағалбайди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмон Аккулов. — Фарзандлари ҳам отасига тордим, дейман-да, зехлари ўткир. Ҳозир олий илм даргоҳларда таълим олишяпти. Ойладаги аҳиллик ва фарзанд тарбияси маҳаллаларимизда тинч-тотувликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Абдуҳаким шунча ишни дўндириб қўйса ҳам камтарлигига боради. Ма-

дий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади, — дейди Абдуҳаким Абдуллаев. — "Барака" фермер хўжалигидаги биологик лабораторияда кўсак куртига қарши габробракон, ўргимчаккана ва ширага қарши олтинқўз ҳамда трихограмма ишлаб чиқарилиб, худуд фермер хўжалиқларига етказиб берилаётган экан. Давлатимиз раҳбари фермер хўжалигининг ушбу тажрибасини оммалаштириш, биологик усулдан фойдаланиш қамровини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Уша учрашувда Юртбошимиз шундай деди: "Бу борда масаланинг барча жиҳатларини — биологик усулнинг қиммий вазирлардан афзаллиқлари, харажатларни камайтириш имконини бериши, атроф-муҳит софлигини сақлашдаги аҳамияти ҳамда иқтисодий томондан қай даражада мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиш лозим. Шу маънода, фермерларга ушбу усулнинг афзаллиқлари юзасидан кенгроқ маълумот бериш муҳим аҳамиятга эга".

НОДИР БОЙДИГИМИЗ, ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ

Бошланиш биринчи саҳифада.

Фан ва техниканинг турли соҳаларига доир икки (ўзбекча-инглизча) ва уч тилли (ўзбекча-инглизча-русча) катта ва кичик луғатлар, ўзбек тилини амалий ўргатувчиларга мўлжалланган турли дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Бу чора-тадбирлар ўзбек тилининг давлат тили сифатида ўз хизмат доирасини кенгайтириб бораётганидан далолатдир.

Тил — халқимизнинг нодир бойлиги, фахру ифтихори. Шу сабабли ҳеч ким ўз она тилига бефарқ қарай олмайди. Ногоҳон қўча-қўйда, суҳбат-гурунларда тилдаги бирор муаммо ҳақида ҳам гап кетади. Эндилкида аввалгидек эхтиросларга берилмай, кўнгилна терминларнинг устувор қўлланишига эришиш. Баъзи терминларни бошқалари билан алмаштириш ҳақидаги баҳслар камайди. Баъзилар тақлиф этган "телефон" ўрнига "узоқ садо", фонетика ўрнига "овозшунослик", қараётган ўрнига "чорпо" қабул қилинмади. Зеро, тил кўпинча қисқа ва лўнда ифодага интилади. Албатта, бизнинг бой она тилимиз ҳам жаҳондаги кўпчилик сўзлашадиган тиллар каби жаранглашини истаймиз, нутқимиздан бошқа кўпчилик тилларда мавжуд бўлган тушулча ва терминлар ҳам билиниб турсин.

маълумотлар бўлар, бу борда, айниқса, "Ешлик" журнали пешқадам эди. Шу ўринда ўзим шу журналдан йиғиб олган баъзи сўзларни келтирай: қумри (қумгон) — кўп сув ичувчи киши; ик — панароқ, иссиқроқ жой; иктирим (биктирим) — ёгин-сочин, қаттиқ шамол, бўрон пана жой; иғиб кетди — яширинди, кўрди, икка беқинди; дирағида бор — баданида бор, туман қобилияти, ўпона; талжа (орак талжа) — қувват, мадор (Нурота шеваларидан тўловчи Урол Урозов, "Ешлик", 1989 йил, 6-сон).

Чоли — яйловларда қўй сақлаш учун юлғундан ясалган кўра; гишиша — қамишининг эрта қўқламда ўсиб чиққан барра пайти; гулпа — қамишининг анча буй чўзиб, най олган пайти; чангча — рўзгор бўйюмларини осиб қўйиш учун айвон шифтига маҳкамланган илгакли ёғоч; сақар — пешонасида оқи бўлган қўй ва эчкилар (Бухоро



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (Ўза) олган суҳбат.

вилояти, Қоракўл тумани, тўловчи Маматқул Жўраев). Юқоридagi сўзларнинг аксарияти бизга нотаниш. "Тил санъати" уларни билиб олишимизда ёрдам беради. Муस्ताқиллик йилларида қўлга киритган яна бир катта ютуғимиз уч жыллик "Ўзбек тили этимологик луғати"нинг (2000-2009) нашр этилганлигидир. Бу қийин вазифани машҳур тилшунос олим Шавкат Раҳматуллаев амалга оширди. Жаҳондаги жуда кўп тилларнинг этимологик луғати тузилмаган.

Туркий тилларнинг ҳам кўпчилиги ўз этимологик луғатига эга эмас. Ҳозиргача Э.В.Севортян тузган "Этимологический словарь тюркских языков" (1-4 жилдлар., М., 1974-1989), Л.З.Будаговнинг "Сравнительный словарь тюркостатарский наречий" (1-2 жилдлар, Санкт-Петербург, 1969-1971), "Древнетюркский словарь" (1969) каби луғатлар нашр этилган. Лекин туркий тилларнинг алоҳида луғатлари йўқ. "Ўзбек тилининг этимологик луғати" нашр этилгани бу соҳадаги катта воқеа сифатида эътироф этилди. Эндилкида тилимизнинг этимологик луғати ҳам нодир бойликларимиз қаторидан ўрин олди. Албатта, бу луғатда (айниқса, 3-жилдда) айрим камчиликлар мавжуд. Улар кейинги нашрларда тўзатилади, деган умиддамиз. Ўзбек тилининг этимологик луғати ҳам келгусида бешун жидд бўлишига эришиш зарур.

Келгусида Ўзбек тилининг жуда кўп илмий ва амалий муаммоларини ҳал этиш зарур. Ўзбек адабий тилининг талаффуз мезонларини белгилаш ва нутқ маданиятини ошириш, изоҳли, этимологик, терминологик, икки-уч тилдаги луғатларни тузиш, катта академик грамматикани нашр этиш, тилимизнинг фонетика ва фонологияси, морфологияси ва морфологияси, синтаксиси ва стилистикасига доир илмий тадқиқотлар яратиш лозим. Юқоридagi вазифаларни ҳал этишда мантқиқ ва семантика, тил маданиятшунослиги ва когнитив тилшунослик, психолингвистика ва нейролингвистика, этнолингвистика ва паралингвистика соҳаларига мурожаат этиш лозим бўлади.


Абдузўхур АБДУАЗИЗОВ, профессор



Чўлпон ЭРГАШ

Яшаётган сатрлар

ОРЗУЛАР ТОНГИДА СУЯНЧИМ МЕНИНГ



ВАТАННИ ТАНИШ

Туғилиб, кўзимни очганда илк бор, Бир олов сийгани Ватан деб билдим. Унинг қаршида дунё ҳам беқор, Бош уриб мен унга саждалар қилдим. Бир нафас кўзимдан кетса у йироқ Дол солиб оламини бузардим тамом. Шу содда тасаввур, шу содда фироқ Мен учун бекиёс эди у замон. Нимадир бўлди-ю, кунлардан бир кун Онамнинг кўйиндан чиқдим отилиб. Илк бор уч-тўрт қадам ташладим мамнун, Илк бора йиғладим шунда қоқлиб. Шу кундан иборат бир парча ҳовли, Назимда чиндан ҳам беноён Ватан, Ҳар томон чопқиллаб, толиқиб, нолиб, Дер эдим: "Бу олам бунча кенг экан?" Бизни қон йиғлатиб бир куни отам Кўзда нам, жилмайиб отланди жангта. Шу кундан мен билган бир парча олам Кўзимга қафасдек кўриди яна... Нетайким, отамни кўрмадим қайта Ва лексин дунёни қайтадан кўрдим. Жўралар, англадим, нимадир Ватан, Нимадир муҳаббат, садоқат, ўлим: Билсин деб Ватанингни қадрини наслим, Одамлар тууроққа айланар экан. Шу азиз тууроқ деб тууроққа кетган Ота-бобомизнинг хокидир Ватан.

ЧИЛВИР СОЧЛИ ҚИЗ

Олиб ақли хушим жодугар уйку, Кўзларимдан ўшиб, овутмоқ бўлар. Иситиб ўзига сеҳри билан у, Момик кўзларини ташлаб бўйинимга, Сендан мени совутмоқ бўлар. Зор эмасман унинг гафлат — кўйинига!..

Мен сени деганман! Сен пар қанотим, Бу дунёда ёлғиз юпанчим менинг. Сен билан беш кунлик сафар ҳаётим — Орзулар тонгида суюнчим менинг. Ўзга дилраболар барчаси сароб, Зар товланган хубоб кир ўра узра. Мендан кулса, ҳатто керакмас офтоб, Сен ҳам кулиб, таранг торларим узма! Сен келсанг, чикора юракда зорлар, Доим қалбга умид солиб келурсан. Йиқилиб ишқ учун тикилган дорлар, Шум рақиб устидан голиб келурман. Оҳ, ялҳом, ос мени чилвир сочингта, Ёндир ўтларингда куйган бу жоним! Бузилсин дўстларим тушлари токим. Чидолмай, гафлатта, ўт бардошимга, Ҳам шундай ёнайки, гуркираб ўтим, Мудроқ юдузларга бориб чирмашай. Қуймай ўз ўтимда, тутиб, бир ўзим, Ўзга қалбларга ҳам ўт ёқиб яшай!

Кўзгу қаршида юзлари ёниб, Ясан-тусан қилар бир қиз, Шайланар. Хуснига рассомдек боқаркан қониб, Ёқмаган жойини тузаб, Айланар. Мафтур боқарканман қизга, кўзгута, Шу ҳолис ойнага келар ҳавасим: Шейрим ҳам у каби, Ўзида акс эттирса Дўстлар орзу-ҳавасини. Қўларига олиб, ҳар ким, Ўзининг — Ҳар бир қадамини кузатса Ва камини-кўстидан юммай кўзини, Шу қиздек жамолни тузатса.

Ана, чивин учиб юрибди, Борми унинг туққан ватани? Ари тулга кўниб турибди, Унинг йиққан бисоти қани?

Учиб юрган, тулга қўнган у Фойиб бўлар кўзим ўнгиди. Улар қайдан пайдо бўлгану Қайта кетди шойиб сўнгиди?

Нима деди улар кетар чо? Мен-ку оғиз очмадим шатто. Мен ҳақимда улар ҳам шундоқ Уйладими, йўқми бир асно?

Вақт бор эди хайрлашмоққа, Ваҳоланки, қарз эдик салом, Кетавердик ҳар ким ҳарёққа, Қўришмасмиз эди биз тамом.

НАМОЗШОМГУЛ

Салом, намозшомгул, сиймбар, Оқшом сеникидир батамом. Сениндек бир хуррак жилвагар Кўнглимни айлаган намозшом.

Салом, намозшомгул, сиймбар, Роз айтарсан олис юлдузга. Мен эса азондан шом қадар Илтижо қилурман гулзуга.

Салом, намозшомгул, сиймбар, Ёлғизлики хуш кўргунг бунча. Мен ҳам ахир ошқ саросар, Очилолма ойнаи кўргунча.

Салом, намозшомгул, сиймбар, Муғраясан сукутни ютиб. Менда ҳам йўқ асло сас-самар, Омад учун тасодиф кутиб.

Салом, намозшомгул, сиймбар, Билмасан, олдинда хазондир. Мен эса билурман жон қадар, Севмоқ яшамоққа имкондир.

Салом, намозшомгул, сиймбар, Гулмисан ё ишқнинг ёлқини?! Сени кўргач армон кўзгалар, Сувдаги сандиқдай қалқиниб.

Ватан аввал тилдан бошлангай, Ўз тилинги илдири жонининг. У муштираб, мунис онангдай Доимо олади ёнингни.

Ватан — ушбу хокисор тууроқ, Уфқларга тинмай йўллайди. У отангдай бўйингта муштоқ, Ҳар бир қадамингни кўллайди.

Ватан — ёзув, минг йил чоҳидан Ҳатлаб илм берган ҳар кунни. Дўст-ёрингдай ҳар нигоҳидан Жоннисорлик ётилар унинг.

Ватан минг-миг ўзгалар аро Ўзингдирсан, ёниқ юрагинг. Фарзандингдай унда доимо Яшар ўтмин ва келажакинг.

Юқори синфда ўқиётганида томчининг, шунингдек оламдаги барча нарсаларнинг физика фанида ўрганган тортишиш қонунига мувофиқ ерга қайтиб тушишини билиб олди. Шу тахлит томдан тошларни, жумрак ёнидан майда кум зарраларини ташлаб, ўзича тажрибалар қилиб кўрди. Уларнинг тушиш вақти билан эса асло қизикмасди. Кунларнинг бирида касал ётган бобоси унга муздек сув олиб келишни тайинлади. Одатдагидек, жумрак олдида ярим соатча қолиб кетди. Томчининг бир маромда оқиб тушиши яна унинг диққатидан четда қолмади. Бобосининг ним-жонгина овозига эътиборсиз, том-чиға тикилиб, анча вақт ўтказиб кўйди. Бағрида ўз умрини, лаҳзаларини қучоқлаган томчилар унинг ҳам керакли вақтини ерга синдириб кетаётганини англамасди. Энди у дақиқалар ҳеч қачон қайтмайди, чунки, томчилар билан бирга ер бағирлаб улгурганди. Тақдорланмаслик ва қайтиб келмаслигининг энг жўн, энг улугвор тушунчаси эди бу. Бир пайт бобоси эсга тушиб, уйи томон югурди. Афсусли, у кечиккан эди. Бобоси энди ҳеч қачон сув сўрмайди-ган ва ичмайди-ган бўлганди. Саратон иссиғида қуруқшаб қолган лаблариди сўнгги лаҳзалардаги жилмайиб сақланиб қолганди. У шунда кечикканидан жуда афсусланди. Энди бобоси қайтиб келмаслигини йиғлаётганлар орасида ҳис этди. Ҳамма нарсанинг ўткини эканлигини англагандек бўлди. Фурсатни, вақтини, лаҳзани ҳис қилиб йиғлади.

Хулоса

«Нима бўлди?» деб бақирди. — Бир қизча сувга тушиб кетибди! — деди кимдир халлослаганча. — Икромнинг кенжасига ўхшайди, ўзини бошқаролмайпти, — деди яна аллаким, — Тезроқ қутқариш керак! Бўлмаса сув ютиб... Бироқ сувга тушишга ҳеч кимнинг юраги дов бермаётганди. У титраб кетди. Тошқин сувнинг кўпиклари орасида қизалоқ кўчаларини юқориға чўзганча оқиб борарди. Бу ер кенгрок, саёзроқ бўлгани учун юзада қалқиб борарди. Ҳозир анави кўприкнинг олдиға бориб қолса тамом. Сув яна тезлашди. Чучурилиги яна-да ортади, қизча эса... У шуларни ўйлаб, ўзини оқимга урди. Сел тасавуридагидан ҳам шиддатлироқ экан, қизчани бир амаллаб киргоққа яқинлаштирунча оқим анча нариға суриб кетди. Бу вақтда кўприкка жуда яқин келиб қолган, асов оқим бор кучини тўплаб, ҳужумга ўтгандек хайқирарди. Қўққисан дарахт шохи келиб, паства тортиқлаб кетмаганида, аллақачон одамлар олқишини олаётган бўларди. Аммо бахтга қарши у сойнинг тубида. Мана, нафаси қайтиб, сув юта бошлади. Сувга тушгунга қадар вужудида барқ урган ботирилди ўрниға кўрқув лойқалари ёпишиб қолди. Кўз олди қоронғулашиб, хаёлидан бутун ҳаёти лаҳзалари лил-лип ўта бошлади. Кейин, ҳаммасини унутиб ўлимнинг дахшатли ўйлови билан юзма-юз туриб қолди... Нимқоронги хона. Аллақандай хира бўёқ берилган шигга термулди. Деразадан ортидаги манзарани бузиб, ўқтин-ўқтин ўтиб тургучи оқ халатлардан билдики, касалжонада. Тирик қолибди. Нахотки, қандай қилиб? Кейинчалик, олдиға келиб-кетувчилар гапидан англашилдики, уни сел тўхтаганидан сўнг сой ёқасидан чала ўлик халатда топишган.

Ҳамон тушиб борарди... Илкис, қандай шиддат билан тушаётган бўлса, шу ҳолича таққа тўхтади. Четдан қараган одамга ҳавода муаллақ туриб қолгандек кўринарди. Енгидан тутиб қолган кийим илғич дорни ҳисобга олмаганда, албатта. Бир нафаслик бекатдан сўнг у яна паства йўналди. Дор ингичка илдан экан, узилиб кетди. Бутун идрокини йиғиб, кейинги дорга умид билан кўл чўзди. Ҳар қалай, буниси пўлат симдан эди-да... Тунги осмон ёритғичи бўлиши ой, ҳамма ухлаб қолганини баҳона қилиб, «ўзим ҳам бир оз мизғиб олай», дегандек, бир жойда қотиб турарди. Кўштораклар эса тўлини юзларига шамол ёрдамида урилиб-урилиб аллалашарди. Лекин ой бирмунча янглиш иш тутуди, чунки уни аллаётган дарахт остиди бир-бириға бутун бўлигини-да инъом этишга тайёр икки қалб ўтирарди. Бахтдан масрур юраклар... Улар ўз бахтларини жуда узок-узок давом этишини Худодан тилашарди.

— Мен сени ҳар доим, ҳар лаҳзада бахтли кўришни истаيمان! — деди йигит қизни эркалаганча. Қиз унга жавобан ширин жилмайди. Кейин биргаликда ой ақсланиб турган кўлдан ўтиб қишлоқ томонга юриб кетишди.

Масрур манзара, мен сизға айтсам, барча талпингучи орзу эди бу кўриниш. Бутун жисми жонингиз бу каби соф туйғулар дақиқасини сақлаб қўйсин. Ушбу лаҳзаларни, албатта, тўхта-тиб қолиш керак... У севглисини бир кўришдаёқ ёқтириб қолганди. Уларнинг бахтга тўла оилавий ҳаётини муҳаббат алангаланган кўзлар тўқнашуви ҳам таъмин этаверарди. Унинг юрагида севиға қанот қоқарди. Унинг кўз ўнгиди ҳаммаёқ бирданиға кенгликка айлиниб қолди. Бир лаҳзада баянда баянда ўйлар, кўчалар йўқолиб, бўшлиқ ҳосил бўлди. У бунга заррача аҳамият бермади. Чунки само кенглигида юрагида севиғиси қанот қоқмоқда эди. У энди учиб борарди...

ВАТАН АВВАЛ ТИЛДАН БОШЛАНГАЙ

Сотим АВАЗ



Кўнгил, ўйнаб бўлдинг, ҳакам бўл энди, Муҳаббат мулкида рақам бўл энди.

Сен кимнинг орзусин бажо этмадинг, Ўзинг ўзинг учун одам бўл энди. Эрқин не гўзалдир, эрқин не устун, Эрксизлардан эркин одам бўл энди.

Вафоким, йўлинда юз жафо кўрдинг, Адолат илгинда қалам бўл энди.

Кўклардин илм истаб, орифдек соқин, Бору йўқлигиндан беғам бўл энди.

Асли сен эрурсан жон деган ҳилқат, Рухим ҳам ўзинг бўл, танам бўл энди.

Сен доим келажак орзусиласан, Аввало бутун бўл, шу дам бўл энди.

Сотим Аваз, ёрлиғ истаб кўнгилдин, Ағерлар базмида маҳкам бўл энди.

Кўнглимда бир одам чароғ ўрнида, Кўзимда хотир жам қароғ ўрнида.

Алғов-далғов қилган жисимини ишқдир, Жон ҳар дам чўзилган дудоғ ўрнида.

Орзуларим дилинги улли боғидир, Умидлар муаззам бир тоғ ўрнида.

Хаёллар ҳамнишини ғамғузориmdir, Тасаввур ложарам кучоғ ўрнида.

Осмон менга оёқ етгунча қарор, Олам уч-тўрт кунлик ётоғ ўрнида.

Беишқлар ҳаваси оёқ остинда, Ҳалоқат мужассам тузоғ ўрнида.

Қиличдек ўткирлаб ўйнатадирман, Қўлларимда қалам яроғ ўрнида.

Соғинчлар занжирдек беадоғ, аммо Ундан ўзилган дам адоғ ўрнида.

Сотим Аваз севиғинг гулдек асарсан, Ўзни тутиб мулзам япроғ ўрнида.

Тўртликлар

Кўнглингни кўнгилсиз пайвастандан уз, Кўзингни кўз уйи шикастандан уз. Қўлни кўлинг етмас дастурхондану Умидни умид йўқ гулстандан уз.

Китобларим — менинг кўчмас мулкимдир, Бузилмас, йиқилмас, ўчмас мулкимдир. Иссиққина, нурилу йўрлардек улар Эгасиз қолиндан кўрқмас мулкимдир.

Кўнгил тозаланди, губор қолмади, Кўзлар изолянди, хумор қолмади. Юрак сабр билан шуқурга дўниб, Нафе қазоланди, ағер қолмади.

Обиджон ЮСУПОВ ШОИРМАН ДЕБ...

Хуло берган дардинг бўлса қуйла ҳўб, Қарға қандай сайрар булбул бор жойда?! Бу дунёда не-не буюк шоир кўп, Шоирман деб юргангидан не фойда.

Келмай қўйса илҳом деган санаминг, Тўғдан ҳам ўткир бўлмаса қаламинг, Фойдангни кўрмаса элинг, Ватанингни, Шоирман деб керилгандан не фойда.



Шейр ўқисанг, бирор киши боқмаса, Шейрга ташна юракларга юкмаса, Ҳеч ким сени тушумаса, уқмаса, Шоирман деб шейр ёзгандан не фойда.

Бир байтин ҳам билмасанг Навоийни, Бобур битган шейр-ғазал, рубоийни, Қўлиб юрсанг шоирлик даъвоини, Шоирман деб юргангидан не фойда.

Эл-юрт дардин ўз дардин деб биларман, Эл-юртм деб ёниб яшаб юрарман, Шоир бўлсам шундай шоир бўларман, Эл-юртм деб шейр ёзмасак не фойда.

СОҒЛИҚ КЕРАК

Дунёға бир марта келар ҳар инсон, Бахтиёр бўлишга бир унда имкон. Чекмай десанг бир кун афсус пушаймон, Хато қилмай яшай билмоқлик керак, Одамга бойликмас, тан-соғлиқ керак.

Инсон яшай билса, соқин, хотиржам, Ҳар неки кўнглиға сигар, татир ҳам, Омон бўлса тоғай бахт ҳам, қадр ҳам, Бундан-да ўзга бахт, шодлик не керак, Одамга бойликмас, тан-соғлиқ керак.

Бир яхши сўз билан кўнгли чоғланур, Бир ёмон сўз билан кўнгли доғланур, Диллар дилга меҳр билан боғланур, Дўстлик рингтаси-ла бир боғлик керак, Одамга бойликмас, тан-соғлиқ керак.

Бойман деб керилма, кибр хор этгай, Бойлик ҳам бир кун кўнлидан кетгай, Илму хунар битмас, мол-дунё битгай, Бахт-омон, муҳаббат ва шодлик керак, Одамга бойликмас, тан-соғлиқ керак.

Ҳамон тушиб борарди... Ўзига урилаётган ҳаво зарраларидан англадики, паства яшиндек учаётди. Ҳозиргина тўққизинчи қаватда эди. Мана, деразалар ёнидан сонияларни қўнганча ўтиб бормоқда. Сониялар, сониялар эмас, ундан ҳам кичик вақт бриллигиди тезлашмоқда. Ер тобора унга яқинлашаётди ёки у Ерга... Боши паства осилган, оёқлари эса худди осмон бўлишига қадам ташлаётгандек патиллаб Ерга томон шўнгимда. Кўзларини кучли шамол оқими чимчилаётгандек чирт юмди. Очиб нимага ҳам қарарди, ҳозир ерпарчин бўладиган танасигами ёки тепадан қадрдек кўриниб турган, ҳаёт оқими ҳамон бир маромда давом этаётган шаҳаргами? Нима кераги бор энди? Осмон ҳам ҳар доимидан мусаффо, атрофда соқинлик ҳукмондек, фақат қулқулариға қандайдир қушларнинг чуғур-чуғури элас-элас чалинди. Қўлларини кенг ёзди. Кўзларини очмаган ҳолда бўшлиқдан нимадир қидириб ушламоқчидек у ёқ-бу ёққа олиб борди. Ҳеч нарса илинмади. Тўрироғи у ҳеч нарсаға илинмади.

Қаршидан эсаётган шамол енгларига урилиб, қанот каби хилпиратарди, ҳолос. Бундан ортинги ўзи ҳам кутмаганди. Лекин, чиқмаган жондан умид-да. Жони ҳали танида. У ҳали-бери жони узилганини ҳеч ҳам ўйлаётгани йўқ. Ҳали жуда узок яшашини-да қандайдир илохий бир идрок билан англаганди. Юзларига яқкам-дукам соя тушиб ўтаётгани, кўп қаватли бино олдиға экилган азим чинорлар билан бўйма-бўй ҳаволаётганини англади. Кўзларини очиб қаради, чинорнинг ушлаш мумкин бўлган шохлари анча нарида эди. Яқиндаги шохчалардан наҳот кутиб бўлмасди. Ҳавода бир неча дақиқа муаллақ турса, дарахт шохлари яқинлашиши мумкин эди-ю, аммо бунинг сираям иложи йўқ-да. Шу тобада ернинг имиллаб айланishiға лаънатлар ўқигиси келиб кетди. Барнамизнинг глобус тушунчасида бўлса-да, Еринг ўз ўқи атрофида айланма ҳаракатидан хабаримиз йўқ. Кўлимизни глобус устида вертикал ҳолатда қолдириб, айлантисак, юзадаги бандликлар билан масофа қисқарарди. У айнан шунини истаётганди. Ер бу қадар тез айланмайди-да. Олам бир зумга тортишиш қонунини ёддан чиқарганида ҳам осонгина пастлаган бўларди... Бироқ, катта тезлик билан Ер яқинлашмоқда, тўғрироғи у ерга...

— Ўлим, дарсларингни тайёрлаб қўйдингми? — болалигида бобоси унга ҳар кунни кечки овқатдан сўнг шу саволни берарди. — Ҳа, ҳаммасини тайёрлаб қўйганман! — дерди у, гарчи дарсликлари нари-бери жадвалга қараб, мосини сумкаға жойлаган бўлса-да. — Яна бир-бир тақорлаб чиқ! Вақтингни беҳуда ўтказгандан кўра бадий китоблар ўқисанг бўларди.

— Уқийман, — дерди у ўнғайсизланган ҳолда. Шу тоб ўртоқлари билан кеч тушгач сойликда тўп ўйнашға келишиб қўйганликларини хаёлидан кеткизолмасди. Бобоси хиёл чалғиши билан ўша ёққа югурарди. Борганида эса жўрала-

ри унинг ўрниға киминдир қўшиб, ўйинни бошлаб оборишган бўларди. Унга кутиб ўтиришни маслаҳат беришарди. Кўпинча, ўйин охиригача кутиб қолар, кейин ҳафсаласи пир бўлиб ўйга қайтарди. Шу пайтгача дарс тайёрлашни ҳам, билимға эға бўлишни ҳам сира хаёлиға келтирмас, бор-ўйги ўйинда иштирок этолмагани алам қиларди. Беҳуда кетаётган вақтинги эса умуман ўйламасди.

Бу олам — саноклардан тузилган. Ҳар сония, дақиқа, соат... йилнинг санаб, унинг сўқмоқла-

ри оралаб, ўзингча кезиб кетаверасан. Сен шу йўлда адашганингда, дам олгани тўхтаганингда ёки бутунлай йўлингни ўзгартирганингда ҳам саноклар адашмайди, тўхтамайди, ўзгармайди... Умр соати миллилар ҳам қачна уринсанг ҳам ортга сурилмайди. Аксинча, улар сени нарироқ, янада нарироқ сургиллаб бораверади. Сонияларни ҳис қилганингда эса...

Ҳамон тушиб борарди... Ҳаводаги силкиниш сабабми, майин шамол эсганиданми, чинор шовуллаб баргларини тўқа бошлади. Барглар ҳавода бир дам қалқиб турганча истар-истамас ўз бандлари билан хайрлашди. Кейин охиригача Ер бағриға қўниб, қулайроқ жой ахтаргандек қаёққадир судралиб кетишди. Бу ҳолатни кўриб вужудининг баргдек бўлиб қолишини Худодан ўтиниб сўрашга тайёр эди. Чунки, ҳозир оддий бир баргдан-да охирик...

Қишлоқдаги ҳовлиларига жумракли сув ўрнатилганди. Баъзи пайларда у пича очик қувордан тушаётган томчиларни соатлаб томоша қилишни хуш кўрарди. Томчи бир маромда томиб, тушган жойида кичик қўлчалар ҳосил қилар, сўнг тошиб, катта ариққа қўшилиб кетарди. Ана, томчи Кўёш нурида товланиб-товланиб тушмоқда. Соя жойда туриб, унинг тушишини кузатганмисиз? О, жилваланишини кўрмагансиз-да! Гўёки, ҳар бир қатрада бутун бир олам жамланиб туради. Ҳақиқатан ҳам, бу бетактор санъат асари. Шубҳа йўқ-ки, моҳир мусаввир ҳам бу каби бетакторликка эриша олмайд...

У қишлоқдаги иш энг кизгин пайтлари, бировлар сувға келганида ҳам томошани меҳр билан давом эттирарди. Томчи соатдек бир хилликда узилиб тураверарди. Фақат угина вақтға эътиборсиз, хабарсиздек эди.



Алибек РАХМОН





Обуна - 2012

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ:

## "ЎН ИККИ ЧИН ДЎСТ"

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси тахририяти газета мазмундорлигини янада яхшилаш, фаоллик ва фидойилик кўрсатиб келаётган обуначиларни рағбатлантириш, улар сафини янада кенгайтириш мақсадида "Ўн икки чин дўст" танловини эълон қилади.

Танловда миллати ва ёшидан қатъи назар, газетамизга садоқат ва меҳр кўрсатиб, доимий равишда йил бўйи обуна бўлиб келаётган, шунинг баробарида қуйидаги фазилатларга эга муштарийлар қатнашиши мумкин:

— кўз нурини тўкиб, газета ҳар бир сонидеги бадий асарни синчиклаб ўқийдиган, таъсирчан ўринларини ёд олиб, ифодали ўқиб юрган;

— энг яхши бадий-публицистик мақолалар қаҳрамонларининг, шоир ва адиблар, санъаткорларнинг ҳаётига оид ибратли лавҳа ва воқеаларни оила, дўстлар даврасида, ишхона ва маҳаллаларда тарғиб қилиб келаётган обуначилар.

Номзодлар танловда иштирок этиш учун тақдим қилиши зарур бўлган ҳужжатлар ушбулардан иборат:

— Ўзи, тугилган жойи, ёши, оиласи, касбу кори, қизиқишлари ҳақида маълумотнома;

— Газетамизга кўп йиллардан буён обуна бўлиб келаётганига доир тегишли обуна ташкилотидан берилган маълумотнома;

— 2012 йил учун газетамизга обуна бўлгани тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

— газета мазмун-мундарижаси ва уни янада яхшилашга доир фикр-мулоҳазалар;

— 10х15 ҳажмдаги фотосурат;

Танлов ҳар йили ўтказилади. Бир марта танлов ғолиби бўлган номзод бошқа иштирок этмайди.

Сўзни сўзга улаб, йўқ жойдан жоиз-ножоиз маъно чиқаришга қобил таникли журналистлар, газетхонларнинг манзилларига қатнайвериб, пойабзалнинг пошниси ўнгига ҳам, чапига ҳам еилиб кетган захматкаш матбуот тарқатувчилар ва почта ходимларидан иборат нуфузли ҳайъат номзодлар орасидан газетамизга кўп йиллардан буён обуна бўлиб келаётган ўн икки муштарийни юқоридан қуйига тартибда аниқлаб беради.

Танлов ҳайъати маъзил:

Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси тахририяти. Телефонлар: 233-52-91, 233-49-93.

Тахририят.

## Танлов ғолиблари:

— Ўзи, оиласи, касбу кори ҳақида ҳикоя қилувчи, бугунги ҳаёт, бунёдкорлик жараёнлари, инсон камолотида маънавият, адабиёт ва санъатнинг ўрни ва аҳамияти борасида муноҳада юритувчи, шунингдек газета мазмундорлигини янада оширишга тааллуқли мақола билан бенабат чиқиш ҳуқуқини кўлга киритади;

— Мақола муаллиф сурати билан газетанинг биринчи саҳифасидан бошланиб, бошқа саҳифаларда давом этади;

— Мақолалар обуначилик нуфузига

монанд кетма-кетликда, сонма-сон чоп этилади;

— Ғолиблар ҳақидаги маълумотлар ва уларга тегишли фотосурат тахририят архивига чегараланмаган муддатларда сақланади;

— Танлов ғолиблари, шунингдек, газетамиз ҳомийси "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг эс-далиқ совғалари билан тақдирланади.

Танловга оид ҳужжатлар 2011 йил 31 декабргача қабул қилинади.

монанд кетма-кетликда, сонма-сон чоп этилади;

— Ғолиблар ҳақидаги маълумотлар ва уларга тегишли фотосурат тахририят архивига чегараланмаган муддатларда сақланади;

— Танлов ғолиблари, шунингдек, газетамиз ҳомийси "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг эс-далиқ совғалари билан тақдирланади.

Танловга оид ҳужжатлар 2011 йил 31 декабргача қабул қилинади.



— Албатта «5» оламан...

## БАРЧАНИНГ ЎЗ ВАТАНИ БОРДИР

Қобилжон Ёзевонда яшайди, чўлнинг боласи. Бошланғич синфдаёқ китоблар уммонига шўнгиб юриб, ўзи ҳам шеърлар тўқишга урина бошлади. Марғилондаги «Жаҳон отин Увайсий», Фарғона шаҳридаги «Олтин қалам» тўғрақларига қатнашдан эринмади, қаламини тобора пишираверди. Бу йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Дўрмон боғида ўтказилган республика семинарида бу қаламкаш энг юқори баҳо олганлардан бири бўлди, шеърини тўплами давлат ҳисобидан алоҳида китоб қилиб чиқаришга тавсия этилди.

Ёзганларини лоқал бир-икки ой «совутиб», сўнг янги кўз билан назар ташлаш, битта шеърни камида беш-олти бор қайтадан ишлаш, уларни нашрга саралаб беришни қатъий одатга айлантириб олса, 14 ёшли бу йигитча яқин келажақда болақайларимизнинг суюкли шoirларидан бирига айланишига шубҳа йўқ.

Анвар ОБИДЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ВАТАН

Девордаги қовакка  
Ип қурасан, ҳой ари.  
Қошангми бу сенинг,  
Кетолмайсан ҳеч нари?

Таъмир қилиб, лой суваб,  
Нега толиқмас танинг?  
Топдим, топдим жавобин,  
Шулар қатъий Ватаним!

## ЖАҲЛАНГАН УЛОҚЧА

Етар, ҳозир келаман  
Соқолмин олдириб.  
Сочларини атайлаб  
Зўр турмакка солдириб.



Ошларим гап-сўзи  
Ич-этими еди-я.  
Синфломин Бузоқвой  
Мени «бобо» деди-я!

## КҲЙИН ИШ

Таниб олдинг,  
Мен — шоввоз Ўрдакман.

## Ўзим ўқайман

Ўйлаб кўрсам,  
Барчадан зўрдекман.  
Майда-майда қиррали  
Тишим кўп.  
Доним бандман,  
Ҳовузди ишим кўп.  
Сизга айтсам нелигин  
«Қийин иш», —  
Эрталабдан кечгача  
Чўмилиш.

## ҒУРАНИНГ ОҒОҲЛАНТИРИШИ

Ёшлигиман ўриқини,  
Пишмаган, ғураман.  
Яшил баргга Ураниб,  
Ширин тушлар кўраман.

Мени ема, Шодивой,  
Дадинг нега индамас?  
Агар тишинг қамашса,  
Ўзингдан кўр, менданмас!

## ҚУРБАҚАНИНГ ЁЗГАН ИНШОСИ

Паша еб ўтисам жим,  
Вақ, вақ, вақ,  
Қоқди Ўрдак эшигим,  
Тақ, тақ, тақ.



Секин чиқдим бош қашлаб,  
Вақ, вақ, вақ,  
Ўз тилида гап бошлар:  
Ғақ, ғақ, ғақ.

Десам: «Паша тут ўзинг,  
Вақ, вақ, вақ»,  
Ўрдак леги: «Шу сўзинг  
Ҳақ, ҳақ, ҳақ».

## МУШУКНИНГ ОРЗУСИ

Бой бўлкетсам қанийди бирдан,  
Сал семирб юрган бўлардим.  
Сичқон ишлаб чиқарилган,  
Фабрикалар қурган бўлардим.

## ҒАЛАТИ САВОЛ

Қизиқ бола жияним Тулан,  
Келиб-келиб шуздай дейдим!  
Унинг топган гапини қаранг:  
— Шоирлар ҳам овқат ейганим?

## "АРБАҒИШНИНГ ЛОЛАЛАРИ"

Яқинда Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган истеъдодли ёш ёзувчи Ҳамроҳон Муслимованинг "Арбағишнинг лолалари" номли китобида аёл руҳиятининг турли-туман қирралари, нозик товланишлари, тиниб-тинчимас саъй-ҳаракатлари, ҳаёт ташвиши ва қувончлари жараёнида ўз кадр-қиммати, юксак фазилатларини намоён этишлари таъсирчан бадий талқинини топган. Ёш адибанинг қаҳрамонлари шафқат ва меҳрибонликлари, эзгу ниятлари ва сабрбардошлари билан китобхон қалбида самимий туйғуларни уйғотади, уни яхшилик йўлига чорлайди.

"У наср сўзини, ҳикояларини худди кашта ва гулдўзлар тиккандай ёзади, — дейди китобдаги сўзбошида таникли

адабиётшунос олим Иброҳим Фафуров. — Ҳикояларида кўллайдиган ва таъсиринг мағзини ҳосил қилувчи тафсилотлар, ҳаёт воқелигининг деталлари ҳам бааийни қийик, рангдор дўппи, сўзана, паллақлардаги рамз, тимсол характериға эга орнаментал деталларга ўхшаб кетади".

Тўпламдаги "Келин", "Арбағишнинг лолалари", "Оққашқа", "Хонатлас", "Шабнам соясидаги муҳаббат" сингари ҳикояларда аёл қалбининг қатларидаги ҳис-туйғулар, меҳр-муҳаббатга, кадр-қимматга ташналик, оилага, эрга вафодорлик фазилатлари воқеаларнинг реал тасвирлари уйғунлигида кўрсатилади.

"Арбағишнинг лолалари" ҳикоялар тўпламига Шойим Бўтаев муҳаррирлик қилган.



## Доимий ҳамроҳ

## КАРТОШКА, БУЛҒОР ҚАЛАМПИРИ ВА САРИМСОҚ

Уларни қандай ҳолада истеъмол қилган маъқул?

2007 йили Англиядаги озиқ-овқат тадқиқотлари институти олимлари оддий картошка таркибидаги какоамин, деб аталадиган моддани кашф этишди. Қон босимини туширадиган, Хитойда ўсадиган гихёдагина мавжуд, деб ҳисоблаб келинган какоамин моддаси гипертоникларга жуда яхши маълум АПФ ингибиторлари каби шифобахш экан. Бундан ташқари, картошкада юрак учун шифоли ҳамда қон босимини туширадиган калий моддаси ҳам кўп.

Бугун шу нарса аниқки, қон босими юқори беморларнинг таомларида, албатта, яхши пиширилган картошка бўлиши зарур. Бундай беморлар қайнаганда калий тузлари сувга чиқиб кетадиган, қайнатиб пиширилган картошқадан воз кечиши керак. Экспериментларда шу нарса ҳам исботландики, пўчоги арчиб олинган, тез пишиши учун бўлақлаб таомга солинадиган картошка таркибидаги фойдали тузларнинг 75 фоизи йўқоламан. Иккинчи томондан эса, буйрак етишмовчилигидан азият чекувчи беморлар учун калийнинг ортқчаллиги зарар келтиради. Уларга картошқани сувда қайнатиб истеъмол қилиш кўл келади.

Эндиликда ошпазлар очарчилик даврида қўлланган усуллар (картошка пўчоғини қайнатиш)дан фойдаланиб, янги таом яратишлари зарур. Картошка пўчоғи ва унга ёндош қатлам картошқанинг энг фойдали қисми бўлиб, ушбу неъмат таркибидаги инсон организми учун зарур барча фойдали моддалар айнан шу ўша қобикдадир. Картошқанинг ичида эса, фойдаси кам крахмал мавжуд, холос. У меъдага тушиши билан тезда глюкозага айланади ва қон таркибидаги қандни оширади. Олимлар бу крахмални фойдали моддага айлантириш усулини ҳам топишди: картошка совуғанда қийин ҳазм бўладиган крахмалга айланади ва йўғон ичкадаги бактериялар учун озиқ вазифасини бажаради. Бу ҳам жуда фойдали модда, аслида. Шу боис, мутахассислар бир кун аввал пишган картошқани ҳам "унутмаслик"ни, ундан турли салатлар ва таомларда фойдаланишни маслаҳат беришади.

Устки пўсти олинб, пўчоғи билан бирга пиширилган картошка таркибида калий, темир, фосфор, озиқлик тозалар, ниацин, дармондорилардан ташқари, флавоноидлар мавжуд бўлиб, иммунитетни мустаҳкамлайди, юрак ва қон томир, дамқисма, саратондан ҳимоялайди, какоаминлар эса қон босимини туширади.

Шунинг учун америкалик олимлар қон босими кўтарилиб турадиган беморларга картошка фрисси, бўтқаси, қайнатишган ёки қовурилганини эмас, сиёҳ ранг картошқани пўчоғи арчмасдан бутун ҳолда микротўқинли ўчоқда ёғ қўшмасдан пишириб ейишни маслаҳат беришмоқда. Бизнинг анъанавий ошпазчилигимизда пўчоғи арчилмасдан қайнатиб пиширилган, кўрга кўмилган ёки "духовка"да пиширилган картошка шунга монанддир. Улар микротўқинли ўчоқда пиширилган картошқадан ҳам кўра фойдали. Сабаби микротўқинли ўчоқда юқори ҳарорат картошқадан С дармондорисини камайтириб юборади.

Картошқанинг сиёҳ ранглиси танлангани ҳам бежиз эмас. Бу ранг картошка таркибида фойдали полифеноллар мавжудлигидан далолатдир. Айнан шу моддалар табиат неъматлариға кўк, қизил ва сиёҳ ранг беради. Бундай картошқаларнинг фақат сирти эмас, ичи ҳам рангли бўлади. Европа, АҚШ ва Хитойдагидек Россияда бундай рангдаги картошка оммалашган эмас. Хитойда турли нав ва шаклдаги картошқаларни бир йўла бутун ҳолада пишириш кенг урф бўлган. Россиядаги навлар орасида қизил ва "кўккўз" деб аталувчи картошка харидордир. Бироқ юз хилдан ортиқ картошка навларини текшириб кўрган америкаликларнинг ҳар қандай картошка нави қон босимини туширишига ишончи қомил. Олимлар картошка таркибида инсон организми учун фойдали бўлган олтидан ортиқ моддаларни кашф этишди.

Олий тоифали парҳезшун шифокор Т. Попованинг фикриға кўра, гуруч ва гречка таркибида оқсил ва бошқа фойдали моддалар жуда кўп экан. Грекчада дармондори ва микроэлементлар, шу жумладан, темир ва мағний моддалар мавжуд. Сули бўтқасида эса меъда ва ичакларнинг шиллиқ қавати учун фойдали моддалар бор. Осиёликлар гуручни ҳатто нон ўрнида истеъмол қилиши ҳам бежиз эмас. У энг тўйимли неъмат.

Булғор қалампирини саратон тўқималарига қирон келтирувчи моддалар кўп. Шу боис уни хомлиғича истеъмол қилиш фойдали. Микротўқинли ўчоқ ёки "духовка"да пиширилганда бу моддаларнинг ярми йўқолади. Ловия қайнатиб пиширилганда ҳам ундаги антиоксидантлар нобуд бўлади. Испанлар ловияни "духовка"да, товада ёки микротўқинли ўчоқда пиширишни, ёгда қовуришни маслаҳат беришади. Сельдерей ҳам шу усулда пиширилганда ундаги антиоксидантлар микдори янада ошар экан.

Саримсоқ қайнатишган ва қовурилганда эса антиоксидантлардан бир қисми йўқолади. Микротўқинли ўчоқ ва "духовка"да фойдали моддалари нисбатан сақланиб қолади. Уни хомлай истеъмол қилиш эса, ниҳоятда фойдали. Саримсоқ бўлаклари яхшилаб майдалангач, 20 дақиқа очик ҳавода қолдирилса, унда инсон организми учун энг фойдали бўлган аллицин моддаси синтезланади.

"АиФ"нинг 39-сонидан.

## ОБУНА — 2012

Азиз газетхон!

Севимли газетангиз —

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га

2012 йил учун обуна бошланди. Обуна туманларнинг

матбуот тарқатиш бўлимлари,

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик

жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек,

жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан

расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги

матбуот тарқатиш дўконлари орқали

ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.

Хурматли муштарий, агар сиз

«ЎЗАС»га вақтида обуна бўлсангиз

ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

## ХОНАТЛАС ФЕСТИВАЛИ

ёш иштирокчилар хонатлас матосидан тикилган ўн еттита либослар тўпламини йиғилганлар эътиборига ҳавола этди. Дизайнерлар миллий либосларини замонавийлаштиришга, бу борада ўзига хос услуб яратишга ҳаракат қилишган. "Ғунчалар либоси", "Кўғирчоғим", "Камалаклар", "Куз ёмғири", "Яхши кайфият", "Ёшлигим" каби либос туркумларида хонатлас ўзгача шакл ва кўринишда товланади. Айниқса, ёш иштирокчилар томонидан тикилган икки юзга яқин либослар санъаткорона яратилгани учун томошабинларни хайратга солди. Иштирокчилар диплом ва эсдалиқ совғалари билан тақдирланди.

Зухриддин ҚИЛИЧЕВ

## Тақдирот

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston  
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:  
Котябият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55

Савват бўлими: 236-56-48  
Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош  
муҳаррир  
Саъдулла  
ҲАКИМ



Тахририятга келган кўйёзмалар тасвир этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА  
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компаниясига босмақонаси.

Босмақона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.58

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам  
билан рўйхатга олинган. Адади — 4778 Буюртма Ғ — 1044. Ҳажми — 5 босма табоқ.  
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА  
КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ.  
СОТУВДА  
НАРХИ  
ЭРКИН